

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 24 май, пайшанба

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 98 (10.907)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

**БОЗОР ВА САВДО ШОХОБЧАЛАРИДА ХАРИДОРЛАРГА ТОРТИҚ ЭТИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР ОРАСИДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ЮРТИМИЗ ТАДБИРКОРЛАРИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДАГИ, СИФАТЛИ ВА ЧЕТКИ БИЛАН БЕМАЛОЛ РАҚОБАТЛАША ОЛАДИГАН «ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН» ЁРЛИҚЛИ ТОВАРЛАРНИНГ МУНОСАБИ ҲАМ ЭЗГАЛЛАЁТГАНЛИГИ КУВОНАРЛИДИР.**



Кичик бизнес

## ХАРИДОРБОП МАҲСУЛОТНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН

Бу, албатта мамлакатимизда иқтисодий ривожда муҳим ҳиссаси бўлган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш самарасидир. Фаолият бошлаганига ҳали бир йил ҳам тўлмаган «Антия-текстиль» масъулияти чекланган жамияти маҳсулотларини кўздан кечириб, бу ерда меҳнат қилаётган тадбиркорларнинг изланишлари билан танишар эканмиз, бунга яна бир бор амин бўлдик.

—Авалло иш бошлар эканмиз, бозорни чуқур ўрганишга ҳаракат қилдик,—дейди корхона раҳбари Алишер Мирзахўжаев.—Аҳоли эҳтиёжига мос, сифатли трикотаж кийим-кечаклари тайёрлаб, харидорларга манзур қилишга эришиш, четдан келтириладиган ана шундай товарлар ўрнини эзгаллаш асосий мақсадларимиздандир. Бу борада ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланар эканмиз, Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорларининг амалдаги ижроси эркин фаолият юритишимизда, ҳуқуқларимиз ҳимоясида катта омил бўлмоқда. Шунингдек, солиқ борасидаги имтиёзлар, ҳисобот топширишдаги афзалликлардан ҳам фойдаланмоқдамиз. 100 фоиз пахтадан тайёрланаётган маҳсулотларимиз бозорбоп ва харидорбоп бўлишига эришар эканмиз, нафақат ички, келгусида хорж бозорини ҳам қўзлашимиз аниқ.

Корхона цехларига ўрнатилган тўқув ва тикув дастгоҳ-

лари хоридан келтирилган бўлиб, ҳозирда 15 нафар ишчилар уларни мукамал ўзлаштириб олишган. Маҳсулот турларининг тез-тез янгиланиб бориши эса бозорни ўрганиш асосида ташкил этиляпти. Айниқса, эркаклар ва аёллар ички ва устки кийимлари, ўсмирлар учун турли замонавий либослар чиройли дизайни билан ажралиб туради, ўралишига эътибор қаратилади. Бугунги кунга келиб маҳсулотлар 30 турга етиб қолди. Улар пойтахтимиздаги савдо шохобчалари орқали харидорларга етиб боради.

Албатта, келгусидаги режалар хусусида тўхталар экан, корхонанинг тадбиркор раҳбари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, ёшлар учун ишчи ўринлари яратиш нияти борлигини таъкидлаб ўтди. Улар ўз маҳсулотларини сотиши учун фирма дўконлари ҳам ташкил этишмоқчи. Кичик корхонани келгусида ўз нуфузида эга катта бир тўқув ва тикув фабрикасига айлантириш эса бош мақсадлар сирасига кирди. Эзгу ниятларга эса баракали меҳнат, тинимсиз изланишлар тўғрисида эришиши мумкинлигини тадбиркорлар дилдан ҳис этишмоқдаки, бу сабб-ҳаракатларда ўз ифодасини топаётир.

Шариға ИЛЁСОВА

**СУРАТЛАРДА:** корхона чеварлари изланишмоқда ва сифатли маҳсулотларини харидорга манзур этиш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

Ҳақимжон Солиқов олган суратлар

комиллаштириш» деб номланди.

●**ЎЗБЕКИСТОН** Савдо-саноат палатаси, Туркиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, «Узулгүржи-савдо» уюмиси ҳамкорликларида КЕЧА «Узэкспомарказ»да тўқимачилик, энгил саноат маҳсулотлари, кишлоқ хўжалик ускуналари ва технологиялари кўргазмаси очилди.

●**АКЦИЈАДОРЛИК** тижорат «Турон» банки миқозларига қўлайлик яратиш мақсадида янги омонат турларини жорий этди.

дан ташкил этилган «Дилбандим» хайрия акцияси доирасида 23-Меҳрибонлик уйига «Браво» мебель салоки хомийлигида эсдалки совғалари тўхта этилди.

●**ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамкорлигида «Dedeman silk road» меҳмонхонасида шифо-процедурлар иш-тироқида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Дори-дармон соҳасида давлат сиёсати ва уни та-

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## Қисқа сатрларда

●**ЎТГАН** кун Июсубод туманидаги 271-мактабда ўқувчилар ўртасида кураш бўйича мусобақа уюштирилди.

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида ўтказилган маънавий-адабий давра суҳбати «Ўзбекистон тарихи Давлат музейига бир назар» деб номланди.

●**ИЖТИМОЙ** ҳимоя йили муносабати билан Ўзбекистон телерадиокомпанияси Тошкент телерадиоканали томони-

## Тошкент шаҳар ҳокимлигида

### ЭРКИНЛИК — БИЗНЕС РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

**МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ЖОРИЙ ЙИЛ ҲАМДА ЯҚИН КЕЛАЖАҚДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ҲУКУМАТ ЙИҒИЛИШИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ҲАҚИДА АЛОҲИДА ТЎХТАЛИБ ЎТИБ, ХУСУСАН, KEYINГИ ВАҚТ ИЧИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХЛАРНИНГ ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ ХИСОБЛАНГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ УШБУ ЖАРАЁНДАГИ ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАЖМУАВИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ ЎТДИ. ШУ БИЛАН БИРГА РЕСПУБЛИКА РАҲБАРИ ТОМОНИДАН АЙРИМ МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР, ЖУМЛАДАН ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БЎЙИЧА НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВЛАРГА ЙЎЛ ҚўЙИЛАЁТГАНИ ҲАМ ТАНҚИД ОСТИГА ОЛИНГАНДИ.**

Дарҳақиқат, юртимизда кейинги йилларда кичик бизнеснинг кенг ривож топиши, тадбиркорларнинг том маънода эркин фаолият юритиши учун зарур қонунчилик-ҳуқуқий негиз тўлиқ шакллантирилди, десак муболага бўлмайди. Бу борада Ўзбекистон Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора - тадбирлари

тўғрисида»-ги Фармони хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир. Мазкур ҳужжат давлат ва назорат органларининг хўжалик субъектларининг молиявий фаолиятига аралашувини кескин қисқартиришга ва ўз навбатида, бизнес субъектларининг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларининг кенгайишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, ушбу Фармон, моҳияти ва

аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, барча даражада ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда ва бу борада назорат органлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари орасида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатадики, бир ярим йилдан зиёд вақт ўтган бўлсада, жойларда айрим назорат органлари вакиллари томонидан ноқонуний ҳаракат-

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Сизни Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги билан чин қалбдан табриклашга ижозат этгайсиз.

Шарқ ва Ғарб цивилизациялари туташган чорраҳада жойлашган ҳамда ЮНЕСКО томонидан Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган Самарқанд Буюк Ипак йўли даврида жаҳоннинг энг йирик савдо, фан ва маданият марказларидан бири бўлган.

Япония учун Буюк Ипак йўли цивилизациясини очган Самарқанднинг шонли тарихи бугунги кунда ҳам япон халқи қалбига зий бахш этиб турибди.

Ўтган йил август ойида мен Ўзбекистонга ташриф буюрган эдим. Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари, айниқса Регистон майдони ва Бибиҳоним масжиди ўз маҳобати билан менда унутилмас таассурот қолдирди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тантанали маросимларни ўтказишда улкан ютуқлар, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик алоқаларининг янада ривожланиши ва мустақамланишини тилаб қоламан. Халқларимизни қадим замонлардан мустақам дўстлик ришталари ўзаро бирлаштириб келган.

Ишончим комилки, бу боқий шаҳарнинг юбилейига бағишланган тантанали маросимлар бутун дунё халқларининг қадимий Самарқанднинг гўзаллиги ва маҳобатидан янада кенгрок баҳраманд бўлишига хизмат қилади.

Қамоли эхтиром билан,

Дзюньчиро КОИДЗУМИ, Япониянинг собиқ Бош вазири

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари!

Сизни буюк воқеа — Ўзбекистоннинг қадимий гавҳари Самарқанднинг 2750 йиллиги билан чин қалбдан табриклайман.

Шарқ дурдонаси номини олган, қўллаб-қўллаб тарихий обидалари билан машҳур Самарқанд бутун инсониятнинг бебаҳо бойлиги сифатида 2001 йили Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди. Ушбу 2750 йиллик шаҳарнинг ноб меҳроси ҳақиқатан ҳам бебаҳо. Ишончим комилки, дунё халқлари ҳали кўп замонлар Самарқандни қўриб ҳайратга тушадилар.

Сиз, Жаноби Олийлари раҳнамолигида ҳаётбахш ислохотларни изчил амалга ошираётган ва иқтисодий тараққиёт йўлидан қатъий бораётган, ўз миллий маданиятини асраб-авайлаб келаятган Ўзбекистон халқига самимий эхтиромимни изҳор этаман.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустақамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларингиз учун изҳор этаётган самимий миннатдорлигини қабул қилгайсиз. Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва хотиржамлик, Ўзбекистон халқига эса янада юксак фаровонлик тилайман.

Қамоли эхтиром билан, Кёко НАКАЯМА,

Япония Бош вазирининг маслаҳатчиси

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

23 май кун Ислам Каримовнинг 2006 йил 10 февралда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида белгиланган бозор ислохотларини жадаллаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишга қаратилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш, инфляциянинг пасайиши ва аҳоли турмуш фаровонлигининг ошиши таъминланадиган мустақамланди. 2006 йил якунларига кўра мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти, саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қурилиш пудрат ишлари, пули хизматлари кўрсатиш ҳажми сезиларли даражада ўсди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши тақлиф этган кун тартибининг тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йилги ва 2007 йил биринчи чора-тадбирлар ижроси тўғрисидаги ҳисобот билан молия вазирининг ўринбосари С.Бекенов депутатлар ҳузурига сўзга чиқди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Ҳисоботда ўтган йилда мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати Олий Мажлис тасдиқлаган параметрларга мувофиқ ижро этилганлиги таъкидлаб ўтилди. Бюджет жараёни-

да асосий эътибор Президент Ислам Каримовнинг 2006 йил 10 февралда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида белгиланган бозор ислохотларини жадаллаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишга қаратилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш, инфляциянинг пасайиши ва аҳоли турмуш фаровонлигининг ошиши таъминланадиган мустақамланди. 2006 йил якунларига кўра мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти, саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қурилиш пудрат ишлари, пули хизматлари кўрсатиш ҳажми сезиларли даражада ўсди.

(Давоми 2-бетда)

лар ҳануз қузатилмоқда. Ачинарлиси шуки, баъзи тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам хил хил қонунбузарликлар аниқланган.

Бундай ҳолатларнинг сабаби турлича талқин этилсада, аммо ваколатли органлар хулосасига кўра, иккала томон фаолияти билан ўзаро боғлиқ сабаблар ҳам йўқ эмасдир. Шу мақсадда жойларда томонлар ўртасидаги мавжуд муаммоларга аниқлик киритиб олиш ва тегишли тўхтамга келиш учун Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши қарорига биноан барча вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида бизнес тузилмалари ва назорат органлари вакиллари билан очик мулоқот тарзида семинарлар уюштириш белгиланди.

(Давоми 2-бетда)

## МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш фонди ташаббуси билан «Маърифат» газетаси таҳририяти қошидаги ижодий устaxonада «Босма ва интернет нашрларида репортаж: жанр хусусиятлари ва амалиёт» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

●Жиззах шаҳридаги Хотира хиёбонида Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташга отланган аскарларнинг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

●Хоразм вилоят Ахборот-ресурс марказида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Энг яхши китобхон—2007» кўрик-танлови ўтказилди.

●Андихон спорт коллежи манежида ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали соврини учун Руслан Чагаев ғалабасига бағишланган турнир бўлиб ўтди.

●Навоий вилоятининг Қонимех туманидаги «Маданият» ширкат хўжалигида «Гуллар» номли кичик корхона иш бошлади. Мазкур корхонанинг фаолият бошлаши билан 20 нафар уй бекаси ишли бўлди. Бу ерда қоракўл терилар қайта ишланиб ундан иссиқ кийим-кечак, бош кийим ва пойабзаллар ҳамда чўпонлар учун махсус коржомлар тайёрланмоқда.

●Навоий шаҳрида архитекторларнинг мамлакат шаҳар ва қишлоқларини меъморий режалаштириш масалаларига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

●Нурота тизма тоғлари орасида жойлашган Пастқўча қишлоғида янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. 240 нафар ўқувчи таълим оладиган мактабни вилоятдаги «Цемментонтаж» қурилиш корхонаси бунёдкорлари барпо этишди.

●Урганч Давлат университетиде буюк олим, математика фанининг асосчиси Муҳаммад ал-Хоразмий таваллудининг 1224 йиллиги муносабати билан анжуман бўлиб ўтди.

●«Шўртан» газ-кимё мажмуасига қарашли «Лочин» оромгоҳида Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан республика миқёсида семинар-кенгаш ўтказилди. Унда «Лочин» оромгоҳида амалга оширилган ибратли ишлар қатнашчиларга намуна сифатида намойиш қилинди.

●Шахрисабз туманида республика Фавқулодда вазиятлар ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ташаббуси билан «Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш» мавзусида семинар ташкил этилди.

## ЖАҲОНДА

●Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Австрияга ташриф буюрди.

●Украина Олий суди ва Судьялар кенгаши мамлакат Президенти Виктор Ющенко ҳуқуқий асоси буйруқлар чиқаришда айблади. Чунончи, баёнотда Президентнинг суд органлари ишига асоссиз аралашуви танқид қилинган. Маълум қилинишича, давлат раҳбарининг суд органлари иш-тироқисидан суд раҳбарлари вазифасини бажарувчиларни тайинлаш ташвишли ҳолдир.

●Собиқ Россия Федерал хавфсизлик хизмати ходими Александр Литвиненконинг ўлими юзасидан давлатда айбланувчи пайдо бўлди. Буюк Британия прокуратураси бу иш бўйича россиялик бизнесмен Андрей Луговойни айбдор деб топди ва Унинг Англияга экстрадиция қилинишини сўрамоқда. Бироқ Россиядаги мавжуд қонунларга мувофиқ Луговойнинг айблари исботланса, у хоризга жўнатилмасдан ўз мамлакатиде жазога маҳкум этилади.

●Туркия пойтахти Анқара шаҳрида амалга оширилиб, 7 кишининг ҳаётига зомин бўлган ва 100 киши яралган йирик террорчилик ҳаракати ташкилотчиларини излаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кеча мамлакат жанубидаги Адана шаҳрида 5 килограмм пластик портловчи модда олиб кетаётган аёл ушланди. Шунингдек, яна 7 киши қўлга олинди. Уларнинг қурд жангарилари билан алоқадор эканликлари гумон қилинмоқда.

●АҚШ Конгрессининг вакиллар палатаси ОПЕКка ўхшаш нефть ёки газ иттифонининг тузилишини ноқонуний деб топилишини кўзда тутувчи қонун лойиҳасини қабул қилди.

●Бутунхитой давлат қурилиш-муҳандислик корпорацияси Покистонда баланд минора қуриш юзасидан шартнома имзолади. Ушбу лойиҳанинг қиймати 300 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, «Кентавр» деб номланадиган мазкур иморат мамлакат пойтахти Исламободдаги энг баланд иншоот бўлади. Уни 2010 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

●Украинада ҳаво исби кетиши сабабли огир юк ташувчи автомобилларнинг ҳаракати тўхтатилди. Бу ҳақда мамлакат ички ишлар вазирлиги хабар тарқатди. Яъни, мамлакатда кундузи огирлиги 24 тоннадан юқори бўлган машиналарнинг юриши тақиқланган. Бу чора йўллар раволигини сақлаб қолиш зарурати билан изоҳланмоқда.

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 25 май кун Тошкентда ҳаво бироз булғулли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-16, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.



# ИШГА АМАРҲАМАТ!

## Мусохаба ТАЛАБ ВА ЭХТИЁЖ АСОСИДА


**БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИ ХИСОБЛАНГАН АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ ИШСИЗЛАРНИ КАСБГА ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИНИНГ ҲАМ ЎЗ МУНОСИБ ЎРНИ БОР. МАЗКУР ЎҚУВ МАРКАЗИНИНГ ДИРЕКТОРИ АБДУҲАМИД МУСТАҒИЗОВГА ЖАМОАНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА БИР НЕЧТА САВОЛЛАР БИЛАН МУРОЖААТ ЭТДИК.**

— Абдуҳамид ака, марказнинг мақсад ва вазифалари хусусида гапириб берсангиз.  
— Ўқув марказининг жамоаси олдинга қўйилган асосий вазифа туманлардаги Бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ҳамда малакасини ошириш учун юборилган фуқароларни шахримиздаги корхона, ташкилот, муассасалардаги бўш иш ўринларига қараб, сўралган (хоҳиш-истагига кўра, албатта) касбларга давлат стандартлари асосида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган режа ва дастурларга кўра ўқитишдир. Кейинги йилларда марказда «Уста-шогирд» дастури асосида ишсиз фуқароларни миллий хунармандчиликка ўргатиш янада кенгайтирилиб, миллий кадрларнинг эъзозланмоқда. Касбларга ўқитиш борасида эса илгор халқаро тажрибалар кенг татбиқ қилинмоқда. Бунда, албатта марказининг жамо-

тирсак, 2000 йилларга келиб, компьютер, хорижий тиллар, менежер, референт каби замонавий касбларга ёшларнинг қизиқиши кучайди, юртимизда енгил санат соҳасига қаратилган эътибор туфайли тикувчилик, элита усулида парда тикишни хоҳловчилар сони ортди. Шу билан бирга, миллий хунармандчилик ҳам усталиримиз ажойиб мактаб яратишганлиги боис, кўлаб шогирдлар тайёрланмоқда.

Марказ жамоаси 92 нафардан иборат бўлиб, улардан 23 нафари малакали ўқитувчилар ва 47 нафар тажрибали ишлаб чиқариш усталари ҳамда 22 нафарини «Уста-шогирд» дастури асосида ишлаётган усталар ташкил этади. Ушбу таълим даргоҳида 10 та махсус жиҳозланган технологик кабинетлар: 4 та замонавий (53 та) компьютер хоналари, кўргазмалли куроллар билан таъминланган ўқув аудиториялари, 3 та тикувчилик, дурадгорлик, электр ва газпай-вандчилик, темирчилик, чилангарлик ўқув устаноналари замонавий тикув машиналари, бичиш мосламалари, 7 та пайвандлаш аппаратлари, 17 турдаги ҳар хил металл ва ёғочга ишлов берувчи дастгоҳлар, керакли асбоб-анжомлар ҳамда амалиёт учун зарур воситалар билан тўлиқ таъминланган. Эътиборли томони, ўқув марказимизнинг услубий бўлими томонидан буғунги кунда 54 та касб-хунарлар ҳамда ўқув мавзулари бўйича аниқ режалар тузилган.

Тасдиқланган режа ва дастурлар кўра марказда фуқаролар учун 8 соатлик ўқув (амалиёт билан бирга) жараёни ташкил этилган. Касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш, малакасини оширишга юборилган ишсиз фуқароларга ҳар ойда стипендия тўланади. Ўқишни тугаллаганларга малакасини тасдиқловчи Давлат намунасидаги гувоҳномалар билан бир қаторда, услубий кўланмалар топширилади. Ўз навбатида иш берувчи, туманлардаги бандликка кўмаклашувчи марказлар ва банд бўлмаган фуқаро ўртасида тузилган уч томонлама шартномага асосан улар ишга жойлаштирилади.



— Абдуҳамид ака, ҳамкорлар хусусида ҳам қисқача тўхталсангиз...

— Таълим беришнинг замонавий ҳамда анъанавий усуллари-нинг замон талаблари даражасида бўлишини таъминлаш мақсадида шахримиздаги кўлаб олий ўқув юртлари, таълим марказлари, ўрта махсус касб-хунар коллежлари билан манфаатли ҳамкорлик анча йиллардан бундан давом этиб келмоқда. Шу ўринда халқаро илгор тажрибаларни кенг татбиқ қилишда Германия Халқ университетларининг Халқаро ҳамкорлик институти билан ҳамкорлиги самарали давом эттирилиб, икки йил давомида 20 нафар

ўқитувчи ҳамда ишлаб чиқариш усталари турли йўналишларда малака оширилди.

Бир сўз билан айтганда, ўқув марказимиз фаолияти қатъий режа асосида юритилмоқда. Ўқув базамиз замон талаблари даражасида модернизациялаштирилиб, жамоамиз ахли малакаларини доимий ошириб бориши йўлида самарали саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА:** Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув маркази фаолиятдан лавҳалар.

## Санъат ЁШ ИЖРОЧИЛАР ТАНЛОВИ

**МУСИҚА САНЪАТИНИНГ ЮКСАК НАМУНАЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ҲАМДА УЛАРНИНГ ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТЛАРИНИ ОШИРИШ, ЯНГИДАН-ЯНГИ ИСТЕЪДОДЛАРНИ КАШФ ЭТИШ, УЛАРНИ ХАЛҚИМИЗГА ТАНИТИШ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ МАҚСАДИДА МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ЖУМЛАДАН ШУ КУНЛАРДА МУСИҚА, САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ Йўналишидаги Ўрта Махсус Таълим Муассасалари Ёш Ижрочиларининг XIX Республика Танловиغا Ҳозирлик Кўрилмоқда.**

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар музыка ва санъат коллежлари ҳамда ўрта махсус музыка академик лицейларининг ўқувчилари мазкур танловда қатнашишлари мумкин. Улар миллий ва торли чолгулар, академик хонандалик, дамли ва зарбли чолгулар, фортепиано, анъанавий ижрочилик, эстрада ижрочилиги, эстрада хонандалиги, ракс санъати, драма ва кино актёрлиги, муסיқали драма актёрлиги, оммавий театрлар режиссёрлиги йўналишлари бўйича куч синашадилар. Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан диплом ва Фахрий ёрликлар билан тақдирланадилар. Биринчи ўрин соҳиблари ўз йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларга имтиёзли тарзда ўқишга кириш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Барно МУҚИМОВА

## Журналистлар Учун Ёзги Мактаб

**ТОШКЕНТДА РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚўМИТАСИ ҲАМКОРЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БМТНИНГ "ЎЗБЕКISTON ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ҲУҚУҚИЙ Салоҳиятни Ривожлантириш" Дастури Доирасида "ОАВ Орқали Гендер Соҳасидаги Ҳуқуқий Онгни Ошириш" Мавзусида Журналистлар Ёзги Мактаби Ташкил Этилмоқда.**

Мазкур дастур CEDAW конвенцияси ва унга амал қилиш механизмлари тўғрисидаги билимларни тарқатиш ва жамиятда гендер соҳасидаги ҳуқуқий онгни оширишга қаратилган.

—Тарқатиётган асосий кўрсаткичларидан бири гендер тенглиги ҳисобланади,—деди БМТнинг "Ўзбекистон Хотин-қизларининг имкониятларини кенгайтириш учун институционал ва ҳуқуқий салоҳиятни ривожлантириш" дастури координатори Малика Инакова. —Ўзбекистон ҳам "БЕАЛРНИ камситишнинг ҳар қандай шакллариغا барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилган ва ратификация қилган. Бирок, буғунги кунда мазкур Конвенция ғоялари оммавий ахборот воситалари орқали деярли тарғиб қилинмапти. Ана шундай долзарб вазифани амалга оширишда журналистлар учун мўлжалланган, гендер соҳасидаги ҳуқуқий онгни оширишга, Конвенция ғояларини кенг тарғиб қилишга қаратилган таълим тадбирлари алоҳида ўрин тутади.

М. Инакованинг таъкидлашича, журналистлар учун ёзги мактаб жорий йилнинг июль ойида ўтказилди. Унга Гендер соҳасида ҳуқуқий онгни оширишга, CEDAW ғоялари тарғибига кўмаклашадиган, жамиятдаги гендерга боғлиқ салбий фикрлар—стереотипларни йўқотишга хизмат қилаётган журналистлар танлов асосида танлаб олинади. Мазкур тадбирда иштирок этишни хоҳлаган журналистлар гендерга оид бирор иши(газетадаги мақола, радио ёки теледастур, интернетдаги мақола) нусхасини ва "Мен нима учун "ОАВ орқали Гендер соҳасидаги ҳуқуқий онгни ошириш ёзги мактабда қатнашмоқчиман?" мавзусида эссе (2 варақ) тақдим этиши лозим. Иш ва эсселар жорий йилнинг 10 июнига қадар БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонасига қабул қилинади. Шунингдек, cedaw.undp@gmail.com ёки khilola.badridinova@undp.org электрон почтаси орқали жўнатиш мумкин.

Мавзунинг яқин ёритиладиган, гендер масаласи, CEDAW конвенцияси ғоя ва қоидаларини таҳлил қилиб кенг оммага етказиладиган журналистлар учун йилнинг иккинчи ярмида Гендер масаласини матбуотда, радио ва телевиденда, шунингдек, электрон ОАВда энг яқин ёритиш танлови ўтказилади.

## ТОШКЕНТДА БРИТАНИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДРАМАТУРГИЯСИ КУНЛАРИ

**ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 22-29 МАЙ КУНЛАРИ "ИЛҲОМ" ТЕАТР СТУДИЯСИДА "ИЛҲОМ", "ШАРҚ, ҒАРБ" ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ ДОИРАСИДА МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БРИТАНИЯ КЕНГАШИ КўМАГИ БИЛАН ЗАМОНАВИЙ БРИТАНИЯ ДРАМАТУРГИЯСИ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.**

Тошобшанинг таникли британияли драматургларнинг саҳна асарлари билан танишадилар. Патрик Марбернинг "Якинрок", Жез Беттерворднинг "Тунги лайлак", Мартин Мак Донахнинг "Инишмор оролдан келган зобит", Марк Равенхилнинг "Аниқ полароид тасвирлар" каби спектакллари шулар жумласидан.

М.Равенхил замонавий театрлар санъатида кўзга кўринган муаллифлардан ва Британия драматургиясидаги таъбир жоиз бўлса "яниг эпикни" — асосларидан бири ҳисобланади. Унинг илк пьесаларидан "Аниқ полароид тасвирлар" асари театр оламини жунбушга келтириш билан бирга, муаллифга ғаламис ва жанжалкаш деб ном қозонишга сабаб бўлди.

Борис Фофуров, Алёна Мустина, Рустам Эсонов ва Антон Пахомовлардан иборат режиссёрлар гуруҳи спектакллар устида ишлашмоқда. Саҳна кўринишларида "Илҳом" театри артистлари иштирок этишади. "Туркистон-пресс"

**ЮРТИМИЗДА ҲАММА СОҲАЛАРДА БўЛГАНИ КАБИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИГА ҲАМ ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН АЛОҲИДА АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛГАН. УШБУ ТИЗИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА КЕНГ КўЛАМЛИ АМАЛИЙ ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА. БИЗ ТОШКЕНТ ТРАНСПОРТ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИДА БўЛИБ, ЁШЛАРГА ЖАҲОН АНДЗОЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЪЛИМ БЕРИШ, МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДА БУ ЕРДА ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР БИЛАН ЯқИНДАН ТАНИШДИК.**

Ёшлар — келажакимиз

## МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

— 2000 йилда коллеж мақомини олган таълим масканимизда, — дейди коллеж директори, касб-хунар таълими аълочиси Эркин Нарзиёв, — учта йўналиш бўйича саккизта мутахассисликка ёшлар ўқитилмоқда. Булар — метрополитен, автомобилларга хизмат кўрсатиш ҳамда иктисодиёт йўналишлари бўйича метро ва электр поездларга хизмат кўрсатиш механикани, машинист ёрдамчилари; метро бекати ва бекат хўжалигига хизмат кўрсатиш ходимларини тайёрлашдир. Жумладан, юк ташиниш ташкил этиш ва бошқариш (Б.С. Тоифали автомобил хайдовчилари тайёрланади); компьютер тармоқлари ва офис жиҳозларига хизмат кўрсатиш ҳамда молия, солиқ ва солиққа тортиш мутахассисликларига ўқитилади.

Таълим масканида ҳозирда 1001 нафар ўқувчилар ўзбек ва рус тилларида таҳсил олмақда, улардан 301 нафари битирувчилардир. Ўқувчиларнинг танлаган касбларини чуқур ўрганишлари, амалий кўникмалар ҳосил қилишлари учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган. 2 та ўқув биносига 44 та ўқув хоналари ҳамда 7 та ўқув-ишлаб чиқариш устаноналари замонавий жиҳозланган. Кимё, физика, биология, электр техника, чет тили, рус тили, ўзбек тили, информатика хоналари ҳамда автомобилларга хизмат кўрсатиш ва автомобиль тузатиш устанонаси Жанубий Корея давлати кредити ҳисобига тўла жиҳозланган.

Шунингдек, ахборот-ресурс маркази, спорт зал, тренажёр хонаси, Маънавият ва маърифат хонаси, очик теннис корти, баскетбол майдони, югуриш йўлаклари ўқувчилар ихтиёрида. Коллеж ҳаётида техника-иходиёт клуби ҳам алоҳида ўрин тутади. Айниқса, унинг раҳбари — малакали, жонқур устоз Саломат Холматовга ёшлар қалбига йўл топган. Мазкур марказда коллеж таълим тизимида кенг қўлланиладиган ўзиюлар макет, ҳаракатланувчи стенд плакатлар, ўзига ҳос кўргазмалли куроллар ўқувчилар билан ҳамжиҳатликда лойиҳаланиб тайёрланади.

Шу ўринда коллежнинг ўз касбининг эъзозловчи 66 нафар ўқитувчи ҳамда кўли гул педагог-муҳандислари жамоасининг хизматларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Боиси, жамоа ахли — 2 нафар фан номзодлари, 12 нафар олий тоифали, 23 нафар биринчи тоифали ўқитувчилар таълимда янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда дарс ўтиб,

ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ўстиришда муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Мутахассислики пухта эгаллашда назарий билим билан бир қаторда амалиётнинг ўрни ҳам катта. Коллеж раҳбарияти ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш устаноналарида ўтиладиган амалиёт кўникмалари билан биргаликда, қатор корхоналар ўртасида узоқ йиллик шартномалар асосида ўқув-амалиётни ўташ ҳақида келишувлар имзолаган. Масалан, Тошкент метрополитени, «Тошкент-Лада» Ўзбекистон — Россия қўша корхонаси, «Алгоритм», «Равшан» очик акциядорлик жамиятлари, 12-трест, 2-трамвай депоси, Учтепа туман солиқ инспекциясида ўқувчилар амалиёт ўтаганларидан кейин ўқишни тугатиб, 70 фоиз ёшлар ушбу корхона ва ташкилотларга ишга жойлашади.

Эътиборли томони, коллежда ўқувчиларга яқка тартибда ёндашув йўлга қўйилган. Яъни, уларнинг иқтидорига қараб энг самарали ўқитиш усуллари қўлланилади. Жамоа ахли доимий изланишда, янгиликка ўч. Чунки замон талаби ҳам шундай. Ўқув масканида таълим жараёнида интерфал, клайстер, бумеранг, ромашка усулларида унумли фойдаланилади. Энг яқини кўрсаткичларга эришган ўқувчилар ҳамкорлар томонидан рағбатлантириб борилади. Тошкент Темир йўллар институти (13 нафар ўқувчиларга стипендия ажратган), Тошкент Автомобиль йўллари институти ҳамда Молия институти билан кўп қиррали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Таълим олиш жараёнини янада қизиқарли ташкил этишда, коллеж ҳаётини сермазун қилишда фан ва мутахассисликлар бўйича тўғрақарлар, «Заковат» ҳамда «Брейн-ринг» клублари фаолияти салмоқли ўрин тутади. Йил давомида саралаш асосида энг кучли ўқувчилар танлаб олинади. Самарали саъй-ҳаракатлар туфайли коллеж ўқувчилари қатор муваффақиятларга эришмоқда. Ўтган 2006 йилда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўрик-танловнинг республика босқичида 1-ўрин соҳиб бўлишди. Яқинда эса Халқаро «Таълим — 2007» танловида фаол иштирок этишди.

Муҳтасар қилиб айтганда, коллежда буғунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ёшларга таълим бериш, уларнинг баркамол инсон, малакали мутахассис бўлиб етишишлари йўлида жамоа ахли ғайрат-шижоат кўрсатмоқда.

Муҳаддас УМАРБЕКОВА

## Ярмаркалар

### ИШГА ЙўЛЛАНМАЛАР ОЛИШДИ

**КУНИ КЕЧА «ЯНГИ СЕРГЕЛИ» МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ХУДУДИДА СЕРГЕЛИ ТУМАН БАНДИККА КўМАКЛАШИШ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ, ТУМАН ҲОКИМЛИГИ, «КАМОЛОТ» ЁИҲ ТУМАН БўЛИМИ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ, «МАХАЛЛА» ЖАМҲАРИЯТИНИНГ ТУМАН БўЛИМЛАРИ, ТУМАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚўМИТАСИ, ТУМАН ПРОКУРАТУРАСИ ҲАМКОРЛИКДА НАВБАТДАГИ «БўШ ИШ ЎРИНЛАРИ ВА ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАР» МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗИШДИ.**

— Мазкур меҳнат ярмаркасига туманимиздаги мавжуд 33 та маҳалларда истиқомат қилувчи банд бўлмаган аҳоли, — тумандаги 6 та касб-хунар коллежлари, 12 та мактабларнинг битирувчилари тақриф этилди, — дейди Сергели туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Холида Низомова. — Ярмаркаларнинг ташкил этилишидан кўзда тутилган мақсад аниқ. Унда қатнашувчи корхона, ташкилот, муассасалар вакиллари ўзларидаги бўш иш ўринлари ҳақида маълумот бериш билан чекланиб қолмай, балки, фуқароларни иш билан таъминлаш, танлаган мутахассисликларига боғлиқ кўпгина саволларга атрафлича жавоб олиш имконияти яратилади.

Ҳозирда туманда фаолият юритаётган 58 та корхона ҳамда ташкилотларда 678 та бўш иш ўринлари мавжуд бўлиб, шулардан 185 таси

ишчиларга ҳамда 493 таси хизматчиларга мўлжалланган. Меҳнат ярмаркасида эса ўша куни 20 тага яқин корхона ва ташкилотлар — «Файз» холдинг компанияси, «Тошкент-тола» масъуляти чекланган жамияти, «Тошшаҳарнур» Давлат унитар корхонаси, 12, 4-автотбус саройлари акциядорлик жамиятлари, «Файзли-ранс» масъуляти чекланган жамияти, «Кўпри-қурилиш» очик акциядорлик жамияти туман кўриқлаш хизмати, алоқа, ҳудудий тиббиёт, халқ таълими бўлимлари, туман ободонлаштириш бошқармаси, 1-турғуноҳа мажмуаси бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Ярмаркада банд бўлмаган 105 нафар фуқаролар, 480 нафарга яқин битирувчилар иштирок этишди. Ишлашни хоҳлаб марказимизга мурожаат этган 45 нафар фуқароларга йўлланмалар берилди. 24 нафар фуқаролар Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув марказига ўқишга юборилди. Шунингдек, ярмарка қатнашчиларига шахримиз бўйича мавжуд бўлган 10 мингта бўш иш ўринлари ҳақидаги марказ компьютерларидаги маълумотлар берилди.

Ҳадемай, ёшлар — олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари, ўрта мактаб битирувчилари билан режага кўра алоҳида иш олиб борилади. Боиси, яна бир ўқув йили қўриланиш арафасида бундан ташқари, марказ жамоаси вояга етмаган ёшларни ёзги таътиллар даврида жамоатчилик асосида фойдали меҳнатга жалб қилишда ҳам режавий ишларни амалга оширишни мақсад қилган.

Муассар АБДУРАСУЛОВА

## Сўранг, жавоб берамиз

### ШАРТНОМА БЕКОР ҚИЛИНАДИМИ?

Мен меҳнат қилаётган корхонанинг қайта ташкил этилиши ҳақида эшитдим. Айтинчи, бу ҳолат меҳнат шартномасининг бекор қилинишига асос бўла оладими?

Сайфиддин Алиев,  
Собир Раҳимов тумани.

Корхона мулкдори алмашганда, корхона қайта ташкил этилганда (қўйиб юборилган, бирлаштирилган, бўлиб юборилган, қайта тузилган, ажратилганда) меҳнат муносабатлари ҳодимнинг розилиги билан давом этаверади (Меҳнат Кодексининг 98-моддаси). Яъни, юқоридаги ҳолатлар ҳодимлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлмайди. Мулкдорнинг алмашини туфайли ушбу корхона раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш (Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, 2-қисм, 6-банди) ҳолати бундан мустасно. Шунингдек, корхонанинг бир орган бўйсинувдан бошқа орган бўйсинувига берилиши ҳам (корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси ҳам) меҳнат

шартномасини бекор қилишга асос бўлиб хизмат қилмайди.

### МЕҲНАТГА ҲАҚ ТўЛАШ

Ҳодимларнинг меҳнатларини ҳаққоний баҳолаш ва рағбатлантириш мақсадида корхонанинг алоҳида ўз меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш мумкинми?

Йўлдош Саломхидинов,  
Кичик корхона раҳбари,  
Мирзо Улугбек тумани.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 153-моддасига биноан меҳнат ҳақининг микдори иш берувчи билан ҳодим ўртасидаги келишувга бинноан белгиланади. Меҳнат ҳақи конун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи микдоридан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп микдори бирон бир тарзда чекланмайди. Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, муқофотлар, қўшимча тўловлар усталмалар рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек, иш берувчи томонидан касба уюшма кўмитаси ёки ҳодимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа маҳаллий ҳужжатларда белгиланади.

Бюджет ҳисобидан молия-

вий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек, давлат корхоналарининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг энг кам даражаси конун ҳужжатлари билан белгиланади. Кўриниб турибдики, нодавлат мулк шаклига мансуб корхона ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва тизимини танлашда мустақиллик берилган.


### ҚАНДАЙ КАФОЛАТЛАР БЕЛГИЛАНГАН?

Касаба уюшма кўмитасига сайланган ходимларга қандай кафолатлар белгиланганига ҳақида маълумот берсангиз.

Мавжуда Эхсонова,  
Юнусобод тумани.

Меҳнат Кодексининг 25-моддасида ушбу саволга аниқлик киритилган. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касаба уюшма кўмитасига сайланган ходимларга интисомий ҳазо қўлашга, шунингдек, маълумият ташаббуси билан ишдан бўшатишга ҳамда уларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг икки йил давомида маълумият ташаббуси билан ишдан бўшатишга маҳаллий меҳнат органининг розилигини олиш талаб этилади.

Асосий ишдан озод этилган ҳолда касаба уюшма кўмитасига сайланган ходимларнинг сайлов ваколати тугаганидан кейин уларга аввалги иш, бундай бўлмаса, авалгисига тенг бошқа иш берилди.



# МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

## ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

### ХИКМАТЛАР

Хар ўқиган кимса ақли етганича англлар, хар хизмат этгучи кимса кучи етганича хизмат этар.

Билим бергучи билим олгучига билганини ўргатмоғи, зеҳни заиф бўлганларга юмшоқлик кўрсатмоғи, идроки суствларнинг тўмтоқлигини кўриб мағрурланмаслиги, зеҳни, идроки ўткирларга кўрслик қилмаслиги даркор.

Ботил сўзлар ботил кўнгилларга хуш ёқар.

Хар нарсани имтихон қилиб кўргил, токи ундаги хайру шарр аён бўлмай.

Эй дариго, англамайди сўзни халқ.

Ул гиёҳларники, хайвон ер давом, ўзи сўнг инсонга бўлгандир таом.

Кўзгуда суврат кўрингай сенга, бас, Сувратинг ул, суврати ойинамас.

Найчи пуфлаб найни, чалгайдир наво, Бул наво найнинг навосиму аё?

Кожки ётсайдим баса тупроқ бўлиб, Худди тупроқдек уруғлар ундириб.

Ўсмоқ истаркан магар ерда гиёҳ, Бўй чўзиб, шўх талпиниб, кучгай зиё.

Ерга лекин бошини эгса, ҳамон, Сўлгай ул, ҳам қовжираб, бўлмай хазон.

Юк ила ҳаммол югургайдир нукул, Бошқалардин қизганур юкларни ул.

Кўз кўраркан, бесабаб кўргай нукул, Ҳисга ботгансен, сабабни тинглагил.

Мард бўлиб, кўрсат жаҳонга бўйлар, Мардлар эргашсин сенга, хўбрўйлар.

Аждаҳода куч зиёда, хийла йўк, ...нодон меҳри алдоқчидир.

Дўсти нодон гарра душмандин ёмон.

Нафси — подшодир унинг, ақли — асир.

Сўзни чўзмок не керак.

Сен жамоат дўсти бўл.

Ранж-ганж эрмишки, раҳмат ундадир, Поклагай жонингни, ҳикмат шундадир.

...нафсинг ишидир тескари.

Нафс — хотин, балки хотиндан баттар.

Билмагай ул, хар неким этгай ёмон, Оқибат қайтгай ўзига бегумон.

Шул муқаррар еру осмон ичра, бас, Хар не навжуддир, у ҳалқумсиз эмас.

Сен-да ерсан бандаларнинг гўштини, Ғийбат айларсен уларни хар куни.

Умринг ул олтинли ҳамёндин магар, Кеча-кундуз битталаб олтин санар.

Ҳамма ишга кўл уриб, аҳд айлама, Диндан ўзга ишга кўп жаҳд айлама.

Гар бино айлар эсанг гўру лаҳад, На ёғоч даркор, на бир тошу намат.

Мен сўзим айтдим, насиҳат айладим, Эй, насиҳатдин ёмонлик кўрди ким?

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

## Кўрғазмалар

# УЧ АВЛОД РАССОМЛАРИ ИЖОДИ

КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ ТАСВИРИЙ САҢЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН «МЕН ВА БИЗ» ДЭБ НОМЛАНГАН КўРҒАЗМАНИНГ ОЧИЛИШИ Бўлиб ўтди. АНЪАНАГА КўРА КўРҒАЗМАДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ ГАЛЕРЕЯСИГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН 25 ТА АСАР НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА. ШУНИНГДЕК, КўРҒАЗМАДАН ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАРИНИНГ УЧ АВЛОДИ ЯРАТГАН ПОРТРЕТЛАР ҲАМ ўрин олган.



Шуни таъкидлаш керакки, портрет — тасвирий санъатнинг энг қадимий жанрларидандир. Портрет тарихи бир неча минг йилларга тенгдир. Қадимий Мисрда хайкалтарошлар инсоннинг ички дунёсини чуқурлаштирмасдан ташқи кифёсини, аниқ сиймосини яратишган. Аммо портретнинг ташқи ўхшашлиги, унинг бадиий ютуқлари ягона ва энг муҳими, асосий кўрсаткич эмас. Портрет образини яратишдан мақсад — шахснинг асо-

сий ғоясини аниқлаш, унинг мазмунини ошқора этишдан иборатдир. Бу жанрнинг аҳамиятли қирраси яна шундан иборатки, улкан жамоат намояндалари, илм-фан, маданият ва санъат усталарини рангтаъсир, графика ва хайкалтарошлиқда акс эттиришидир. Кўрғазмадан таниқли рассомлар М.Курзин, А.Абдуллаев, Т.Курязов, Р.Тоқтош, Е.Мельников, В.Акудин, И.Енин, А.Юсупов, Ю.Талдикин, И.Турсунназаров,

З.Фахруллоев, Ю.Чернишев, Ж.Умарбеков, А.Икромжонов, С.Шин ва бошқаларнинг асарлари ўрин олган бўлиб, санъат иштиёқмандларининг диққат-этиборини тортмоқда.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида очилган кўрғазмалардан лавҳалар. Владимир Гранкин олган суратлар

## Спорт янгиликлари

### ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ СОВРИНДОР

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЁШЛИК» СПОРТ МАЖМУИДА ҚИЛИЧБОЗЛИК Бўйича ўТҚАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА ТУРНИРИДА ЮРТИМИЗНИНГ ЭНГ МОҲИР СПОРТЧИЛАРИ ШПАГА Бўйича БЕЛЛАШДИЛАР.

Эркаклар ўртасидаги учрашуларда пойтахтлик қиличбозлар Андрей Васильев ва Александр Кувшинов шохсупанинг учинчи погонасига қўтарилиб, биттадан бронза медалига сазовор бўлишди.

Хотин-қизлар беллашувида қатнашган тошкентлик қиличбозлардан Виолета Зарали финалга чиқиб, иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Ойнора Абзалова учинчи натижа кўрсатиб, бронза медални кўлга киритди.

### ТОШКЕНТЛИК БАДМИНТОНЧИЛАР ЭНГ КУЧЛИ

ПОЙТАХТИМИЗДА БАДМИНТОН Бўйича ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЎСМИРЛАР ўртасидаги МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИДА 1988-1991 йилларда туғилган юз нафарга яқин БАДМИНТОНЧИ ГОЛИБЛИК УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРДИ.

Ун тўққиз ёшгача бўлган бадминтончилар баҳсида ўғил болалар ўртасида пойтахтлик Темур Каримов барча рақиблари устидан зафар кучиб, олтин медал билан тақдирланди.

1989 йилда туғилган спортчилар ўртасида шохсупанинг энг юқори погонаси Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган Эмиль Мирғалютдинов ҳамда Сўғдиёна Хўжаниёвовага насиб қилди.

Энг кичик — 1991 йилда туғилган бадминтончилар гуруҳида ҳам олтин медаллар пойтахт вакилларига топширилди. Ўғил болалар баҳси Азиз Эрмухамедовнинг ишончли галабаси билан яқунланган бўлса, Ксения Курас барча рақибларини енгиб, пойтахт жамоаси ҳисобига навбатдаги олтин медални келтирди.

## ТЕРМА ЖАМОАМИЗ — ТУРНИР ГОЛИБИ

«ЖАР» СПОРТ МАЖМУАСИДА ТАЭКВАНДОНИНГ ИТФ йўналиши Бўйича 11-16 ёшли ўСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР ўртасида «АМИР ТЕМУР» КУБОГИ УЧУН ўТҚАЗИЛГАН 11 АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО МУСОБАҚА МАМЛАКАТИМИЗ ЁШ СПОРТЧИЛАРИГА МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРДИ.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика таэквандо (ИТФ) миллий ассоциацияси ҳамкорлигида «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу турнирда Россия, Қозғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатларининг 200 нафарга яқин иқтидорли ёш «қора белбоғ» соҳиблари спортлик учун қизгин кураш олиб боришди.

Икки кун давом этган мусобақалар якунига кўра умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси турнирнинг бош совринини кўлга киритган бўлса, россияликлар иккинчи, қозғистонликлар учинчи ўрин билан қийоғланишди. Мусобақа якунида голиб ва совриндорларга соҳибдорлик, эсдалик совгалари тўхфа этилди.

Ақбар Йўлдошев

## ФУҚАРО МУҲОҲАЗАСИ — ОЛИЙ МАҚСАД

ҲОЗИРГИ ВАҚТДА ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДА ХАВФСИЗ ҲАЁТНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ ЭНГ ДОЛЗАБ МУАММОГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ. ЧУНКИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИНГ МИСЛИ КўРИЛМАГАН ЮКСАК ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ ТАБИИЙ РИВОЖЛАНИШ, АТРОФ-МУҲИТ ТОЗАЛИГИ ВА ИҚТИСОДНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИГА ТАҲДИД СОЛИБ ТУРИБДИ.

Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган дастлабки йиллардаёқ энг муҳим вазифалар қаторида мамлакат аҳолиси ва худудининг хавфсизлигини таъминлаш масалаларини биринчи ўринга қўйди.

Республикаимиз Президентининг Ислам Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққий

кафолатлари» китобида таъкидлаганидек: «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачун миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган».

Фавқулдат вазиятлар, бу — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида туркиларнинг саломатлигига, теварак-атрофдаги табиий

муҳитга сезиларли моддий зарар етказувчи, одамларнинг турмуш шароитининг бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Фавқулдат вазиятларда фуқаро муҳофазасини ташкил қилишнинг дастлабки қилинадиган ишлардан бири бу фуқароларни ўз вақтида огоҳлантириш ҳисобланади.

Бунинг учун аҳоли билан тез-тез мулоқотлар уюштириш, давра сўхбатлари, учрашувлар ташкил этиш, амалий ва тактик машғулотларни мунтазам ўтказиб туриш лозим. Бу каби ишларни олиб боришдан асосий мақсад, фуқароларни хавфдан огоҳ қилиш орқали улар ҳаётини сақлаш ва талафотларни камайтиришидир.

Дилдора САЛИЕВА, Махмуд ИЛҲОМОВ

Узоқ умр кўриш — бу энг аввало, доимий меҳнат демек. Ёшингиз канчага борганига қарамай, умрингизни узайтирувчи дастурингизни ишлаб чиқинг ва уни бақаришга қатъият билан киришинг. Шуни ҳам ёдингизда тутингки, ўзингиз истамсангиз — сизга ҳеч ким ёрдам бера олмайди.

Сўхбатдошимиз — табибий фанлари номзоди — Муҳаммадҷон Миршарипов бу ҳақда шундай дейди:

— Биологлар, умрингиз табиий узунлигини ўлчаш учун ҳар бир жонзотнинг етуқлик ёшини 7 ёки 14 га кўпайтириш керак, дейишади. Одамлар 20-25 йилда етуқлик ёшига етадилар. Демак, бизнинг умримиз 150-175 йилгача етиб бориши мумкин.

Аслида бу ёшга етиб борадиганларни ўнлаб йиллар мобайнида бармоқ билан санарли даражада кам учратамиз. Инсоннинг ҳаётга чанқоқлиги чексиз бўлиб, у ривож топган ақлий қобилиятга эга ва маънавий жиҳатдан ўзини ёмон ҳис этмай турган бир пайтда жисмоний аҳволи

раёнга аралашиб ва уни тўхтатиб қолиш ёки ҳеч бўлмаганда, секинлашиш имконига эга. Бунинг учун бировларга ўзларининг айрим одатларидан воз кечишинг ўзи кифоя қилса, бошқаларнинг ҳаёт тараларини бутунлай ўзгартиришларига тўғри келади. Муҳими — ўзингизни узоқ яшашга рағбатлантириш ва мудоом соғлигингизни мустаҳкамлаб боришда.

Албатта, бу йўлни танлаган кишилар руҳий гигиена ва рационал овқатланиш, жисмоний машқлар, соғломлаштирувчи югуриш ва чинқишсиз, ёмон одатларини тарк этмай, касалликларнинг олдини олувчи профилактик чора-тадбирларни қўлламай, ўз олдларига қўйган вазифаларини урдалай олмайдилар. Бир сўз билан айтганда, ички аъзолар ва тизимларга соғломлаштирувчи таъсир кўрсатувчи дори-дармонларсиз турли хил воситаларни қўллаш зарур бўлади.

Бунда, сизнинг ёшингиз нечада эканлигининг аҳамияти йўқ. Ўз умрингизни узайтириш учун саломатлигингизни

## «Тошкент оқшом» саломатлик хизмати

### 100 ЁШДАН ОШИБ ЯШАНГ!

ҚАДИМГИ ГРЕКЛАР 70 ЁШДА ВАФОТ ЭТИШ БЕШИҚДА ўЛИШ БИЛАН БАРАВАР, ДЭБ АЙТИШГАН ЭКАН. ЧИНДАН ҲАМ АНТИК ДУНЁ ФАЙЛАСУФЛАРИ ВА ТИББИЁТЧИЛАРИ 100 ВА УНДАН ОРТИҚ йил яшаб, дунёни тарк этишган. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЖАҲОН СТАТИСТИКАСИ ЭСА ФАҚАТ ўн мингдан БИР КИШИГАНА ЮЗ ЁШГАЧА ЕТИБ БОРАДИ — УЛАРНИНГ ҲАМ ЖУДА КАМ ҚИСМИ СОҒЛОМ ҲОЛДА ЯШАШИ МУМКИН, ДЭЯ ХАБАР БЕРАДИ.

ёмонлашиб боришини қандай тушуниш мумкин? Нега шундай?

Таассуфки, инсон организмни қаришга олиб борадиган таркибий ва функционал пала-партишлик ва бузилишлар ҳали етарли даражада ўрганиб чиқилмаган. Лекин аниқ пайтда қариётган ҳужайраларда шу ҳужайраларнинг ички моддалар алмашинуви секинлашиши, ҳужайра қобиғи эса, ўз қайшиқоқлик хусусиятини ҳамда атрофдаги ҳужайралар билан моддаларни алмашиш қобилиятини йўқотиб бориши маълум.

Шу билан бир вақтда ҳужайра намлигини йўқотиб боради, унда турли хил «чиқиндилар» тўплана бошлади, ҳужайрани айланиб ўраб турувчи бириктурувчи тўқима эгулчан ва қайшиқоқлик хусусиятини йўқотиб, қотиб, мўрт бўлиб қолади. Жараён шундай кечадикки, қари ҳужайралар сони ортиб бориши билан янги (ёш) ҳужайралар камайиб, улар сифати ҳам ёмонлашиб боради.

Бундай ўзгаришлар барча аъзолар ва тизимларда юз беради. Бўғимларда, масалан, тоғай тўқималари ўзгара бошлади. 30 билан 40 ёшлар оралиғида кальций ва оксил моддаси йўқолиб боради. Мушаклар қуввати ҳам аста-секин сустаяди. Қон томирларидаги ўзгаришлар яққол кўзга ташлана бошлади: уларнинг деворлари қайшиқоқлигини йўқотиб, томирлар деворларида холестерин моддаси чўкиб қола бошлади. 50 ёшдан бошлаб тери ва сочининг аҳволи ёмонлаша бошлади кузатилади.

Агар инсон кам ҳаракатли ҳаёт кечирса, танани шлаклар ва бошқа зарарли моддалардан тозалаб турмасан, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилса, чекса — бундай одам эртароқ келсаёганда ва касалликлар ривожланиши бориши хавфи бўлган гуруҳга кирилади. Бу хилдаги кишиларда қарилик белгилари анча олдин намён бўлади ҳамда жисмоний ва ақлий қуввати камая бориши билан аҳволи янада жиддий тула олади.

Қариш — бу орқага қайтариб бўлмайдиган жараён деб ҳисобланади. Лекин, шунга қарамай, ҳар бир одам ушбу жа-

ғизни мустаҳкамлашга қачон киришсангиз ҳам кечикмайсиз. Яна, ҳечдан кўра — кеч, деган нақл ҳам бежиз айтилмаган-ку!

Кекса кишилар ёш билан боғлиқ ўзгаришларни ҳаётини қонуний сифатида қабул қилишга одатланишган. Айтилик, орқа оргини ёки оёқ оргинидан шикоят қилсангиз, нима ҳам қилиш мумкин — ёшингиз ўз таъсирини кўрсатяпти, дейишади. Умуртқа букчайиб, бўғимлар шишишини ҳам ёшга йўйишади. Шифокор хузурига борадиган, у таассуф билан: «нима ҳам қила олардик — энди ёш эмассиз аҳир», дейди.

Аслида гап бошқа экан. Натуропатия институтидан кўп кишилар ўтишади. Бу ерда улар ўз организмларини ўрганиш ва ўзлаштириш борисида дастлабки одамларни қўйишади, шу ерда халқ таъоботи усулларидан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилишиб, шу йўл билан улар ўзларини қийнаб келадиган орқилардан тезда халос бўла бошлашади.

Институтда организмнинг қаришига қарши босқичма-босқич курашиш тизимлари ишлаб чиқилган. Жами бўлиб улар — 15 та. Уларни баҳара бориб, умрбоқийлик бахти чўққилари сари яқинлашаверасиз. Ҳаммасида муҳими — ҳар бир инсоннинг ўзидаги қизиқчи, ҳаётга чанқоқлик ва доимий ҳаракат. Ҳаракат, бадани жисмоний чинқиришдан хоримаслик соғлом кексаликнинг муҳим шарти эканлигини унутмасангиз бўлган.

— Мен катта қонқиш ва мамнунлик билан қарияман, — дейди таниқли актриса Елена Проклова. — Болалигимдан кексаликни орзу қилардим. Кексалик донолиги ва турли эҳтирослардан холи бўлиш — бу инсонга умрининг яратувчилик ва хотиржамлик билан боғлиқ энг аjoyиб даврини фазилатли ўтказиш имконини берадиган аjoyиб ҳолатдир. Тақдирим ташқи қиёфамдан ташқари яна бой ички дунёни бахш этганидан, кексалик ҳақида бир зум бўлса-да ўйлаб ўтиришга имкон бермайдиган орзу-истакларим ва ташвишларим қўлигидан гоят бахтиёрман...

Ҳа, умримизнинг ҳам хар фазлининг ўз фазилати бор — ундан оқилона фойдалана билиш керак, холос.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилмиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2884 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонга мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6